



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 31 март, № 62 (7292)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ОДАМЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29-30 март кунлари Бухоро вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Бухоро шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Видеоконференц-залда шаклда ўтган йиғилишда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шахарлар ва туманлар ҳокимлари, нурунийлар, ёш тадбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатида улкан ислохотлар амалга оширилаётгани, унинг натижалари ҳар бир соҳада сезилиб, одамлар эртанги кунга ишонч билан қараётганини таъкидлади.

Барча ўшларимиз, режаларимиз Ўзбекистон халқининг манфаати учун. Бу ҳудудларда, ҳар бир кўчада, одамлар ҳаётида намоён бўлиши учун кўйи бўғинда сифат, билим, фидойилик юқори бўлиши керак. Қарсақлар, баландларвоз гапларга чек қўйиб, ҳар бир хонадон, шахс билан манзилли, алоҳида-алоҳида ишлаш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуди сингари Бухоро вилоятини ҳам жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш ва ҳаётини яхшилаш ишларига устувор эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

30 минг доимий иш ўрни яратишни таъминлайди. Йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Бухоро вилояти туризм соҳасида катта салоҳиятга эга. 2021 йилгача хорижий сайёҳлар сонини 2 баробар кўпайтириш, туризм хизматлари тушумини 350 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев бу масалага алоҳида тўхталиб, тегишли вазифаларни белгилаб берди. Бунинг учун, аввало, замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт инфра-структурасини яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда Бухоро шаҳридаги "Бухоро-палас", "Варахша" ва "Зарафшон" меҳмонхоналари реконструкция қилиниб, 32 та янги меҳмонхона, 9 та мотель ва 50 та меҳмон уйи фойдаланишга топширилади. Натижада меҳмон ўрни 7 мингга етиб, туристларни қабул қилиш имконияти қарийб 2 баробар кўпаяди.

Ғижувон — Когон йўналишидаги 122 километр йўлни таъмирлаш, "Етти пир" зиёратгоҳлари ўртасида қўлай ва замонавий транспорт катновини йўлга қўйиш, халқро ҳалол стандартини кенг жорий этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари авиакатновлар сонини ошириш, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари билан автобус ва поездлар катновини кўпайтириш орқали Бухорони "саёҳатлар чорраҳаси"га айлантириш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, "Бухоро тарихи" музейини қуриш, кўнгилочлар масканлар, хунармандлар марказлари ва Бухоронинг эски шаҳар қисмида туристлар пиведа сайр қилаётган йўналишлар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда вилоятда ин-фратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, туманлар марказларини оқова сув хизмати билан қамраб олиш етарли даражада эмас. Халқро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги қарийб 5 минг километр автомобиль йўллари таъмир-га муҳтож. Жорий йил Инвестиция дастурига мувофиқ сув, канализация, йўлларни қуриш ва таъмирлаш бўйича 100 миллион долларлик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилади. Ушбу лойиҳалар ичимлик суви билан таъминла-ниш даражасини сезиларли ошириш, канализация хизматини 48 фоизга етказиш имконини беради. Таъмир-талаб йўллар ҳам 35 фоиздан 31 фоизгача қисқаради.

Мамлакатимиз инфратузилмасини яхшилаш учун Осиё инвестиция ва инфратузилмалар банки ҳамда бошқа халқро банкни инсти-тутларидан жами 3,1 мил-лиард доллардан зиёд маб-лаг жалб этиш чоралари қўйилмоқда.

Ушбу маблағларнинг сал-моқли қисми — 1 миллиард 300 миллион доллар фақат Бухоро вилоятида яқин 3 йилда ижтимоий, йўл ва коммунал инфратузилмани тўлиқ яхшилаш учун қўшим-ча равишда йўналтирилади. Давлатимиз раҳбари бу масалада "Бухоро тажриба-си"ни яратишни таклиф этди.

Мазкур маблағнинг 600 миллион доллари ичим-лик суви билан таъминлаш-га қаратилган 7 лойиҳа ва оқова тармоқларини тортиш бўйича 12 лойиҳа доираси-да ўзлаштирилади.

Натижада қарийб 4,5 минг километрлик ичимлик суви тармоғини қуриш ва рекон-струкция қилиш орқали ви-лоятда 889 минг аҳоли ичимлик суви билан қўшим-ча таъминланади.

Бундан ташқари, халқро ва давлат аҳамиятидаги 660 километр, 4 минг кило-метр маҳаллий ва ички йўлларни қуриш ва таъмир-лаш бўйича 9 та лойиҳа амалга оширилади. Бу ишларга 700 миллион дол-лар маблаг сарфланади.

Давлатимиз раҳбари ви-лоятга ташрифи доирасида Когон туманидаги "Тарақ-қиёт" маҳалла фуқаролар йиғини марказида бўлди.

Йиғин биноси янги лойиҳа асосида барпо этил-ган бўлиб, унда фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини му-вофиқлаштириш бўйича Ко-гон тумани кенгаши фаоли-ят юритилмоқда. Бу ерда жо-рий этилган Аёллар ижти-моий ошловуш маркази оғир аҳолга тушиб қолган хотин-қизлар ва болаларга маънавий-психологик, тиб-бий ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиш билан шуғулланади.

Алишер Навоий номида-ги Ўзбекистон Миллий ку-тубхонаси электрон базаси-га уланган замонавий кутуб-хона аҳоли, айниқса, ёшлар учун маърифат маскани ва-зифасини ўтамоқда. Марказ яқинида жойлашган иккита сунъий қопламали майдон ва тренажерлар зали маҳал-ла болалари ва ўсмирлар-нинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

Маҳаллада мамлақати-мизда энг намунали, деб то-пилган ва "Nexia 3" русум-ли автомобиль билан тақ-дирланган ички ишлар та-янч пункти фаолият юри-тмоқда. Шу билан бирга, кун-дузги стационар ва танта-налар зали ҳам аҳоли хиз-матида.

Ташриф чоғида бугунги кунда Бухоро вилоятида 35 мингдан зиёд аёл иш би-лан таъминланмагани, хо-

тин-қизлар жиноятчилиги сакланиб қолаётгани кўрса-тиб ўтилди.

Президентимиз бу ҳолат миллий менталитетимизга ётлиги, буюк тарих ва юксак салоҳиятга эга бўлган Бухорога мулақо ярашмас-лигини таъкидлади.

Жорий йил охиригача аёлларнинг ижтимоий муам-моларини ҳал қилиш, улар-ни иш билан таъминлаш, жиноят содир этмаслиги учун зарур чораларни кўриб, Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан боғлиқ барча масалалар бўйича энг на-мунали ҳудудга айлантири-шимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг учун Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, маҳалла ва ички ишлар органлари бирлигида иш-лаш, ҳар бир аёл билан суҳбатлашиб, муаммоси бўлса, керакли ёрдам бери-ши зарурлигини таъкидлади.

Кўплаб муаммоларга, аёлнинг жиноятга қўл ури-шига ажралишлар сабаб бўлаётгани, уларнинг олди-ни олиш учун ёшларнинг, ота-оналарнинг масъулияти-ни ошириш, бу борадаги қонунчиликни такомиллаш-тириш кераклиги қайд этилди.

Президентимиз Бухоро шаҳрида амалга ошири-лаётган бунёдкорлик иш-лари, кўп қаватли уйлар қури-лиши, "Bukhara city" лойи-ҳаси билан танишди.

Вилоятнинг туризм сало-ҳиятини янада ошириш мақ-садида маҳаллий ва хори-жий сайёҳларга энг замона-вий қўлайликлар яратиш, сервис хизматини яхшилаш борасида салмоқли ишлар бажарилаётгани таъкид-ланди.

Бухоро шаҳрида "Мустаҳкам қурилиш девелопмент" масъулияти чекланган жамияти барпо этаётган "Shopping Center" савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ана шундай лойиҳалардан.

Ўзбекистонда ягона бўлган ушбу мажмуа 90 минг квадрат метр май-донни эгаллайди. Савдо дўконлари, маиший хизмат уйлари, кинотеатрлар, фаст-фудлар, болалар уйин май-дончалари, нотариал идора, банк шохобчалари жойла-шадиган ушбу тўрт қаватли мажмуа сайёҳларга шаҳар-нинг битта нуқтасида барча хизматни жамлаган ҳолда кўрсатиш имконини беради.

Бу ерда бир ярим мингдан зиёд савдо дўконлари жой-лаштирилган ўзи унинг не-чоғли беназир эканидан да-лолатдир.

Марказ ҳузурда кутубхо-на, 7 минг машина সিғди-ган автомобиль тўхташ жо-йлари барпо этилади, улар-да бепул хизмат йўлга қўй-лади. Ертула қисмида жо-йлашадиган экобозорда бир пайтнинг ўзида 9 минг ха-ридорга хизмат кўрсатиш мумкин бўлади. Мажмуа ҳудудининг катталигини ҳисобга олиб, мижозлар учун автокарлар ташкил этилади. Барпо этиладиган фавворалар ҳудудга салқин-лик ва тароват бахш этади.

Бугунги кунда қурилишда 1 минг 370 ишчи меҳнат қилмоқда. Мажмуа фойда-ланишга топширилган, 6 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Лойиҳани икки босқичда амалга ошириш мўлжаллан-ган. Биринчи босқичда ту-раржойлар, офислар, ижти-моий соҳа объектлари, ик-кинчи босқичда Ислоом маркази ва жоме масжиди қурилади. Ушбу масканлар 2500 йиллик тарих ва улкан маънавий меросга эга Бу-хоро шаҳрининг маданияти-ни тарғиб этишга хизмат қилади.

Икки йилда барпо этили-ши кўзда тутилаётган "Bukhara city" мамлақати-мининг йирик илм-маъри-фат ва хизмат кўрсатиш маркази бўлади. Шавкат Мирзиёев туркиялик мута-хассислар билан замонавий марказнинг имкониятлари, бу ерда яратиладиган ша-роитлар ҳақида суҳбатлаш-ди. Лойиҳани такомиллаш-тириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Шу ерда Бухоро шаҳри-нинг бош режаси асосида амалга оширилаётган иш-лар, жумладан, унинг мар-казини реновация қилиш, магистрал кўча ва хиёбон-лар, кўп қаватли тураржой-лар барпо этиш, муҳандис-лик коммуникацияларини такомиллаштириш лойиҳа-лари тақдими ўтказилди.

Бухоро шаҳрида 2019-2020 йилларда 232 та кўп қаватли уй, савдо ва маи-ший хизмат кўрсатиш би-нолари, инфратузилма объектлари қуриш бўйича жадал ишлар бошланган. Бугунги кунда уларнинг асосий қисми Ислоом Каримов, Ибн Сино, Газили шохқўчалари, Пиридастур, Алломида каби марказий қўчаларда барпо этилмоқда.

Шу билан бирга, эски, пастка бинолар ўрнида миллий меъморлик услуби-да жаҳон андозаларига мос кўп қаватли уй-ойлар қуриш режалаштирилган. Ушбу бунёдкорликлар, шу-нингдек, Шахристон бозо-ридаги қурилиш-реконст-рукция ишлари Бухоро шаҳ-ри қиёфасини тубдан ўзгар-тирмоқда.

Давлатимиз раҳбари ша-ҳар аҳолиси ва меҳмонлар-га қўшимча қўлайликлар яратиш, бунинг учун замона-вий инфратузилмани та-комиллаштириш, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш бўйича мута-садиларга зарур кўрсатма-лар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати сурати.

Янги қонун лойиҳаси

Туризмни ривожлантириш соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан мукамаллаштирилади

Бугунги кунда туризм энг жадал ривожланаётган ва сердаромад соҳалардан биридир. Шу боис ҳар бир мамлакат мазкур соҳани тараққий топтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аҳамиятлиси, сўнгги йил-ларда табиий ёки экоту-ризм ҳисобига туристлар сонини ҳам кескин ошиб борапти. Масалан, ушбу жабха туфайли Кения, Эквадор, Коста-Рика, Непал каби мамлакатлар-нинг экотуризмдан олган даромади давлат ялпи ички маҳсулотининг деярли 80 фоизига тенг. Канадада табиий туризмнинг умумий ҳажми ички туризмдан туш-ган даромадининг 25 фо-изини ташкил этади. Бу эса экологик тадбирлар учун давлат томонидан ажрати-лаётган маблағдан 5 баро-бар кўпдир.

Мамлакатимиз ҳам эко-туризм соҳасини ривожлан-тириш учун гоят қўлай им-кониятларга эга.

Хўш, шундай экан, ушбу соҳани юртимизда янада ривожлантириш учун нима-лар қилиш керак?

Бизнинг назаримизда, энг аввало, туризм соҳаси-даги норматив-ҳуқуқий ба-зани такомиллаштириш, экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий ме-ханизминини яратиш, экотуризм билан шуғулланувчи, юри-дик шахс мақомига эга бўлган махсус турдаги субъектлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирла-рини белгилаш керак.

Ҳамкорлик

Ўзбекистон давлат фармакопеяси Европа стандартлари даражасига кўтарилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори ўринбосари Алишер Темиров бошчилигидаги делегация Франциянинг Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган Соғлиқни сақлаш учун дори воситаларининг сифати бўйича Европа кенгаши директорати Европа фармакопеяси 163-сессиясида иштирок этди.

Маълумки, дори восита-ларининг сифати инсон са-ломатлигини сақлаб қолиш ва узок умр кўриш даража-сини оширишда муҳим омили саналади. Шу боис ушбу со-ҳани ривожлантириш жаҳон фармацевтика жамиятида бўлгани каби мамлақати-мизда ҳам устувор вазифа-лардан ҳисобланади.

Глобаллашув шароитида дори воситаларини стан-дартлаштириш ва сифат на-зороти бўйича умумий ёнда-шувлар зарурати мавжуд. Бунда турли мамлакатлар мутахассислари билан ахбор-от ва фикр алмашиш жуда муҳим. 2018 йил март ойи-да Европа фармакопеяси Ўзбекистон Республикасини кузатувчи мақомида қабул қилиши ўшунда жуда му-ҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлақати-

мизда бошқа соҳалар қато-ри фармацевтика саноти ҳам фаол ривожланиб бор-моқда. Маҳаллий фарма-цевтика корхоналари томо-нидан сифатли, рақобат-дош, хавфсиз, самарадор дори воситалари ишлаб чи-қарилиши йўлга қўйилган-мизда ҳам устувор вазифа-лардан ҳисобланади.

Глобаллашув шароитида дори воситаларини стан-дартлаштириш ва сифат на-зороти бўйича умумий ёнда-шувлар зарурати мавжуд. Бунда турли мамлакатлар мутахассислари билан ахбор-от ва фикр алмашиш жуда муҳим. 2018 йил март ойи-да Европа фармакопеяси Ўзбекистон Республикасини кузатувчи мақомида қабул қилиши ўшунда жуда му-ҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлақати-

«City»: МАФТУНКОР, ҚУЛАЙ ВА АЛБАТТА, ЗАМОНАВИЙ

Бунёдкорлик

Тошкентда бунёд этилаётган "city"лар ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда. Негадир кўпчилик бундай қурилишларга бўлган заруратга шубҳа билан қараяпти. Пойтахт — бутун мамлакатнинг юзи, давлат тараққиётининг ойнаси. Шу боис бутун дунёда мегаполисларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг инфратузилмасини доимий равишда ривожлантириш боришга жуда катта куч ва маблағ йўналтирилади. Тошкентда ҳам худди шундай бўлиши керак. Мамлакатнинг бош шаҳри тараққий этиши, мафтунокор, қўлай ва албатта, замонавий бўлиши талаб этилади.



Туризмни ривожлантириш соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан мукаммаллаштирилади

Коловерса, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, давлатларнинг ва халқаро ҳам-жамиятнинг экотуризмга оид режа ҳамда стратегия дастурларини ишлаб чиқиш ва уларга юридик мақом бериш, хорижий ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Шу билан бирга, сайёҳлик индустриясини ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш, соҳага хизмат кўрсатувчи кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, туристик инфратузилмаларни ҳосил қилиш керак. Мамлакатимизда санаб ўтилган экотуристик принципларни амалда қўллаш, соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ҳамда туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний ман-лавларини ҳимоя қилиш мақса-дида шу пайтгача 30 га яқин нор-матив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Туризм соҳасидаги муноса-батларни ҳуқуқий тартибга со-лишни такомиллаштириш дои-расида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ри-

Термиз — халқаро фестивалга тайёр «Алпомиш» достонининг янги талқини нашрдан чиқди

Термиз шаҳридаги «Матбуот уйи» биносидан шу йилнинг 5 — 10 апрель кунлари ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдидан Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Абдуназар бахши Поёновдан ёзиб олинган «Алпомиш» достони китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Ташкилоти раиси Абдуназар Поёнов, Термиз шаҳар ҳокими, «Алпомиш» достонининг аслиги бўлиб ўтди. Термиз шаҳридаги «Матбуот уйи» биносидан шу йилнинг 5 — 10 апрель кунлари ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдидан Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Абдуназар бахши Поёновдан ёзиб олинган «Алпомиш» достони китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Ташкилоти раиси Абдуназар Поёнов, Термиз шаҳар ҳокими, «Алпомиш» достонининг аслиги бўлиб ўтди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими вакиллари, шоир ҳамда ёзувчилар, тадқиқотчилар, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. «Алпомиш» достони халқ оғзаки ижодининг дурдонаси — қаҳрамонлик эпосининг ёрқин намуналаридан бири саналади. Унда ўзбек халқининг қадим тарихи ҳамда бой маданияти, унинг ўзи-гагина хос миллий қадриятлари ифодасини топган. Достонда, ай-

мактаби вакиллари Мардонакул Авлиёқул ўғлидан ёзиб олинган достон варианты 1 минг 516 мисра, Умир бахши варианты эса 6 минг 36 мисрани ташкил этади. Муҳими, уларнинг ҳар бири ўзбек эпик ижодида алоҳида ба-дийий қийматга эга. — Айни пайтгача «Алпомиш» достонининг 40 га яқин вариант-лари бахшилар тилидан ёзиб олинган бўлиб, барчасининг тузилиши, мотив ва сюжетлар ти-зини ўхшаш бўлса-да, ижрода бири-бирдан фарқли жиҳатлар кўзга яққол ташланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Абдуназар Поёнов. — Китоб ҳолида чоп этилган ушбу «Алпомиш» достонини устозим Чоршанба Раҳматуллаевдан ўрганиб, бор ҳолда халқимизга ет-казиб бахтига эришганимдан мамнунман. Уйламанки, бу ки-тоб халқимиз маънавиятини бойи-тиши, ёшларимизни эзгу фазилат-лар руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Келгусида ўзим билган бошқа достонларни ҳам китоб шаклида халқимизга етказиш ни-ятданман. «Академнаш» наشريёти томо-нидан 1000 нусxada чоп этилган «Алпомиш» достонининг янги талқини тақдиротни Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдидан муносиб тўхфа бўлди.

Жиззахда кўрсатилаётган онкологик хизматлардан аҳоли қониқяптими?

Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги Олмазор маҳалласида «Хар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича 147 нафар фуқаро кредит олиш учун ҳужжат топширган бўлса, улардан 52 нафарига банкдан кредитлар ажратилган.

Депутатлар — сайловчилар ҳузурда

Маҳалла аҳлининг ёрдами билан жазо муддатини ўтаб қайтган Азиз Икромовга ҳам паррандачилик, хусусан, бройлер товуқларини боқиш учун 1,7 миллион сўм кредит олиб берилди. У ўз хонадониди яшил яқинига қадар 10 мингга бройлер етиштириш учун жой тайёрламоқда. Ҳозирги кунда эса у тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун банкдан яна 400 миллион сўм кредит олган. У на-фақат ўзи, балки кўни-кўшинлари оила-ларининг фаровон яшашини таъминлаш учун 10 та иш ўрни ҳам яратди. Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ де-путатлари маҳалла аъзолари билан учра-шар экан, сайловчилар томонидан шу каби хайрли ташаббусларни янада кучайтириш хусусида савол ва таклифлар берилди. Уларнинг айтишича, Президентимиз ташаб-буси ҳамда қарори билан электр энергия-си истеъмолчини ҳисоблаш автоматлашти-

видение, радио, интернет, компьютер, мобиль телефон кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда. Биз ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, мамлакатимизда ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши-ни кучайтириш, аҳолининг китобхонлик са-виясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Бу келгусида ўзининг юксак самарасини албатта беради, деб ишонаман. Депутатлар Жиззах шаҳридаги Онкологик марказда ҳам бўлишди. Бу ерда яра-тилган шараитлар қаторида бир қанча кам-чиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди. Жум-ладан, марказда беморларни электрон ҳисобга олиш, касаллик варақалари, касал-лик тарихи ҳамда кўрсатилаётган хизмат-ларни ҳисоб-китоб қилиш, статистик ҳис-оботларни юритиш электрон тизими йўлга қўйилмаган. Ушбу марказда келган одам-лар ва беморлар учун маълумот берадиган плакатлар, маълумотлар бурчақлари мав-жуд эмаслиги аниқланди. Депутатларнинг халқ билан мулоқоти да-вом этмоқда.

Толибжон ЭРҒАШЕВ («Халқ сўзи»).

Бойсунлик хунармандлар улкан сўзана яратишди

Фестиваль бўлиб ўтадиган майдонда миллий руҳни акс эттириш, халқ хунармандчилигининг нодир намуналарини намойиш қилиш мақсадида хунармандлар юрти — Бойсунда дунёдаги энг катта сўзана яратилди. Шу йилнинг 5 — 10 апрель кун-лари Термиз шаҳрида ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали учун махсус тайёрлан-ган ушбу улкан санъат асарининг узунлиги 21 метр, эни 5 метр бўлиб, умумий юзаси 105 квадрат метрдан иборат. Унинг оғирлиги қарийб 60 килограмм келади. Мо-хир чеварларнинг қўл меҳнати билан тивалган улкан сўзана ўзининг ёрқин ранги, сержило нақшлари билан анжуман иштирокчиларига бир олам завқ улашиши, шубҳасиз.

Айни кунларда мамлакатимизнинг Жанубдаги гавҳари — Сурхондарёда Халқаро бахшичилик санъати фестивалига муносиб тайёргарлик кўриломоқда.

200 дан ортиқ автотранспорт воситалари иштирокчиларни кутмоқда

Термиз шаҳридаги асосий тантаналар бўлиб ўтадиган ҳудудда бир неча сахна майдон-лари, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одат ва анъаналарини акс эттирувчи рамзий кўргон — миллий ўтовлар барпо қилинди. Шунингдек, бадий жамоалар томонидан ранг-баранг дастур-лар тайёрланмоқда. Бундан ташқари, фестиваль иштирокчилари ҳамда меҳмон-ларга юқори даражада транс-порт хизмати кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Хусусан, фестиваль кунлари 30 та «Голден Драгон», «Ютонг» русумли 50 ўринли ав-тотобус, 100 та «Исузу» русумли микроавтобус, 10 та «Газель» ва «Мерседес-Бенц» русумли авто-

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон давлат фармакопеяси Европа стандартлари даражасига кўтарилади

имзоланган «Ўзбекистон Рес-публикаси давлат фармацевти-ка институтини яратиш учун Европа фармакопеясининг матнларидан нусха кўчириш ва мослаштириш ҳуқуқини бериш тўғрисида»ги келишув бўлди. — Бугун юртимизда 150 дан ортиқ маҳаллий дори восита-лари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлиб, улар томонидан 2500 номдаги дори воситала-ри давлат рўйхатидан ўтказил-ган, — дейди «Дори воситала-

ри, тиббий буюмлари ва тиб-бий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат мар-кази» ДУК директори. — Ҳозир-гача дори-дармонларнинг си-фат назорати бир қатор хори-жий мамлакатларнинг халқаро эътироф этилган фармакопея-лари талабларига мувофиқ амалга оширилган эди. Энди-ликда мазкур келишувга муво-фиқ, ягона, халқаро талаблар билан мувофиқлаштирилган Ўзбекистон давлат фармако-пеяси чоп этилади. Натижада

Азамат МУРОДОВ, («Халқ сўзи»).

«CITY»: МАФТУНКОР, ҚУЛАЙ ВА АЛБАТТА, ЗАМОНАВИЙ

Тошкентликларда «шаҳар маркази» деган тушунча бор. Унга Миробод, Як-касарой, Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманлари кирди. Бу ерда яшаш на-фақат инсоннинг маънави, балки ис-тиқболини ҳам белгилаб бериши мум-кин. Лекин бу ҳолат, ўз навбатида, пойтахт аҳолиси учун баъзи бир му-аммоларни ҳам келтириб чиқаради. Масалан, марказдаги умумтаълим мас-канларини олайлик. Айрим чет туман-ларда истиқомат қиладиган ота-она-лар ҳам фарзандларининг айнан мар-каздаги мактабларда таҳсил олишлар-ини хоҳлашади ва ҳар кун бутун ша-ҳарни кесиб ўтиб, уларни ўқишга олиб келишади. Натижада марказдаги мак-табларнинг ҳар бир синфиди қирқдан ортиқ болаларнинг ўқишига тўри ке-лади. Марказий туманларга олиб ке-ладиган йўллар эса автомобиллар бил-лан ниҳоятда тирбанд бўлиб, кўп ҳолатларда одамларнинг нафақат иш-га ёки ўқишга кет қилишига, ҳатто йўл-транспорт ҳодисаларининг рўй бериш-га ҳам сабаб бўлади. Устига-устак, шаҳарнинг бу қисмида уй-жой нарх-лари ҳам асосиз равишда кўтарилиб кетган.

— Тошкентда бунёд этилаётган «city»лар айнан шу муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Режага кўра улар туман марказлари бўлиши ва ноёб ар-хитектурага эга яшаш учун қулай уй-жойларни ўз ичига олиши керак, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги «Olmazor Business City» объектларини қуриш ва улардан фой-даланиш давлат унитар корхонаси ди-ректори Умид Умаров. — Ҳар бир «city» ҳудудининг қарийб ярмини яшил зо-налар, фавворалар, савдо-қўнғилочар марказлари, хизмат кўрсатиш нукта-лари, замонавий ўқув масканлари ва мактабга таълим муассасалари эгал-лайди. Масалан, «Tashkent City» лойи-ҳасида бу бутун бир лотни ташкил эта-ди ҳамда унда истироҳат ва дам олиш зоналари, тоза ҳавода сайр қилишга мўлжалланган йўлақлар бунёд этиш кўзда тутилган. Умумий майдони 23 гектардан иборат бўлган «Olmazor Business City» да эса яшил зонанинг ўзи жами ҳудуднинг қарийб ярмига тенг. У Президентимизнинг республика ҳудудида «Business city»лар барпо этишга доир қарорига асосан, пойтахт аҳолисининг ўзлари яшаётган ҳудудда ҳамма шарт-шароитга эга бўлишини таъминлаш, ортиқча куч, маблағ ва вақт сарфини камайтириш мақсадида бунёд этиляпти. Бу қарор йўллардаги тирбандликнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Туманининг «Олмазор» номидан ке-либ чиқиб мезморлар ва дизайнерлар лойиҳага ўзига хос деталлар ки-риштиришди. Замонавий кўп қаватли уй-лар ҳамда бизнес марказларини ҳушбўй ва сархил навли олмазор бо-ғлар ўраб туради. Қичқирқич каналга туташ ҳудуд эса шаҳар аҳлининг се-вимли масканига айланади. Бу ерда кечки пайт ҳордиқ чиқариш учун қулай муҳит яратилади.

Ҳозир бу ерда қурилиш ишлари жа-дал давом этапти. Дастлабки олтига кўп қаватли бино пойдевори учун кот-

лованлар тайёр ҳолатга келтирилган. — Лойиҳани амалга оширишда сар-моғлар киритиш бўйича ҳамкор сифа-тида Туркиянинг «Mesa Mesken», «Iki Design group», «Spiga» компаниялари танлаб олинган, — дейди дирек-циянинг бош муҳандиси Саъди Нурияхметов. — Ишбилармонлик мар-кази лойиҳаси устида икки давлат му-тахассислари қурилиш ва мезморчи-лик соҳаларидаги ўз билим ҳамда таж-рибаларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бордилар. Бу ҳудуддаги би-нолар тўққиз, ўн икки ва ўн саккиз қаватли мажмуалардан иборат бўлади. Кўп қаватли биноларнинг сейсмик барқарорлигини таъминла-ш ишга янгича ёндашушни талаб этади. Шу боис хориждан пойде-вор мустақамлигини таъминлаш-га хизмат қиладиган махсус тех-ника олиб келинди. Фундаментни катта босим остида қуядиган ва мутахассислар орасида «deermixing» номи билан аталади-ган бу ускуна ўзининг самарадор-лигини кўрсатган ва бугунги кунда бутун дунёдаги йирик иншоотлар-ни барпо этишда кенг қўлланиб ке-линмоқда.

— Биз Қозғистон, Туркменистон, Россия, Қазарбайжон, Жазоир, Саудия Арабистон ва бошқа дав-латларда қирқ қаватдан юқори имо-ратларни қуриш бўйича катта тажри-бага эгамиз, — дейди Туркиянинг «Илк иншаат» компанияси вакили Маҳмуд Кеңдер. — Мамлакатимизда «Olmazor Business City» бизнинг иккинчи лойи-

ҳамиздир. «Deermixing» усулини қўл-ланган ҳолда, ўн саккиз қаватли мажму-анинг асос устунларини ўрнатиш қурилаётган кўп қаватли бинонинг мустақамлиги ва бардошлилигини оширади.

«City» қурилаётган ҳудудда айни пайтда 51 ташкилот жойлашган. «Olmazor Business City» дирекцияси мазкур мулк эгалари билан келишув-га эришди. Улардан 11 нафари ҳудуд-ни бўшатиб берганлиги учун аллақа-

қўрди. Айни пайтда бошқа тадбиркор-лар билан ҳам ушбу масалани ҳал этиш юзасидан музокаралар ўтказил-моқда. Шунингдек, уйлари бўзилишга тушган хонадон соҳибларига мазкур туман ҳудудидан тураржойлар ажра-тилмоқда. Коловерса, хонадон эгала-рининг розилиги ва олдинги уйлари-нинг нархидан келиб чиққан ҳолда, улар «Olmazor Business City» мажму-асидан квартиралар ҳам олишмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманлари-да барпо этилаётган бун-дай бизнес марказлари ҳам бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Хусусан, «Yunusobod Business City» да ушбу тумандаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, кўпқо-рифли ва меҳмонхона-лар қуришга асосий эъти-бор қаратилган. Бу ерда, шунингдек, таълим ва бошқа ижтимоий соҳа объектилари ҳам бунёд этилади. Мазкур «city»нинг умумий ҳудуди 45,5 гек-тарни ташкил қилади. Шундан «Оқтепа» тарихий ёдгорлиги саккиз гектар ҳудудни эгаллайди. Лойи-ҳага мувофиқ, ушбу объектилар ободонлаштирилиб, мегаполисининг энг қизиқари сайёҳ-лик йўналишидан бирига айланти-рилади. Шунингдек, объектининг етти гектарлик ҳудудида Юнусобод туман-ида яшаётган аҳолининг мазмунли

қадамжо атрофи ободонлаштирилиб, мегаполисининг энг қизиқари сайёҳ-лик йўналишидан бирига айланти-рилади. Шунингдек, объектининг етти гектарлик ҳудудида Юнусобод туман-ида яшаётган аҳолининг мазмунли

транспорт, шунингдек, 50 та ен-тил машина хизматга шай ҳолга келтирилган. Термиз шаҳридаги 5-кичик даҳада жойлашган «Сурхон» спорт-соғломлаштириш мажму-асидаги 1,5 гектарлик автотура-гоҳда автотранспорт воситала-рига зарур сервис хизмати йўлга қўйилган. Ҳайдовчилар учун махсус тайёрланган ётоқ-хонада зарур шараитлар муҳайё қилиниб, автотранспорт хизма-тини мувофиқлаштириш бўйича алоҳида диспетчерлик штаби ташкил этилди. Ҳайдовчилар махсус либослар билан ҳам таъ-минланди.

Дилдора РАУПОВА («Халқ сўзи»).

Германия молиявий пойтахтида Наврўз кенг нишонланди

Шу кунларда халқимизнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, тарихи ва бугунги кунини ўзига муҳасам этган Наврўз байрами тантаналари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам кенг нишонланмоқда.

Биз ва жаҳон

Жумладан, Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонаси Марказий Осиё давлатлари консуллик ваколатхоналари ҳамда Франкфурт-Майн мэрияси билан бирга “Марказий Осиёда Наврўз” шиори остида шаҳар халқ депутатлари кенгашида 400 дан ортиқ негемисий, иқтисодий, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида тантанали байрам тадбири уюштирилди.

Шунингдек, байрам тадбирлари Европада яшаб таълим олаётган ҳамда турли етакчи фирма ва компанияларда меҳнат қилаётган ватандошларимиз билан биргаликда кенг шукўх ҳамда кўтаринки руҳда Германиянинг Хофхайм-Таунус шаҳрида давом эттирилди.

200 дан ортиқ юртдошларимиз қатнашган байрам тадбири Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонаси ва шаҳарнинг “Немис — Ўзбек маданий жамияти” томонидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси кўллаб-қувватлови билан ташкил қилинди.

Тадбирнинг расмий очилишида сўзга чиққан Франкфурт-Майн шаҳри ҳокимининг Интеграция ва таълим масалалари бўйича муовини Сильвие Вебер йиғилганларни Наврўзи олам билан табриклаб, 2019 йил март ойида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинадиган маданиятлараро тотувлик тадбирлари доирасида Франкфурт-Майн шаҳри тарихида илк маротаба “Марказий Осиёда Наврўз кунини” эълон қилинганлигини ҳамда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркманистон дипломатик ваколатхоналари иштирокида байрам шодиёнаси ташкил этилганини таъкидлади.

Бу каби тадбирлар немис ҳамда Марказий Осиё халқлари ўртасида ўзаро бағрикенглик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ишонч билдириди.

Ўз навбатида, табрик сўзи билан чиққан Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркманистон консуллик муассасалари раҳбарлари барчани Наврўз билан кутлаб, умумий ягона шодиёна-миз ҳақида батафсил маълумот беришди.

Тадбирлар давомида турли маданий ва мусиқий чиқишлар, анъаналаримизни намойиш қилувчи сахна кўринишлари ҳамда миллий ўйинларимиз уюштирилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистондан ташриф буюрган “Тасанно” ва “Стерео” мусиқий гуруҳлари чет эллик меҳмонлар ҳамда хорижда юрт соғинчи билан яшаётган ўзбекистонликлар учун ҳақиқий ўзбекона муҳит яратиб, жозибадор куй-кўшиқлар билан тадбирларга фойз бағишлади.

Байрам маросимларида, шунингдек, махсус ижодий кўргазмалар ташкил қилиниб, ўзбек халқ хунармандчилиги намуналари намойиш этилди ва Ўзбекистон туристик салоҳиятига оид брошюра ҳамда китоблар тарқатилди.



Тадбирлар давомида бир қатор иштирокчилар “Дунё” АА мухбирига интервью берди.

Сильвие ВЕБЕР, шаҳар ҳокимининг Интеграция ва таълим масалалари бўйича муовини:

— Франкфурт-Майн шаҳрида Наврўзга бағишланган тадбирларнинг ташкил этилишидан бағоят хурсандман.

Наврўз байрами дунёнинг кўпгина давлатларида кенг нишонланади. Мазкур айём турли миллатлар маданиятида алоҳида ўрин тутаети. Айниқса, Марказий Осиё давлатлари ҳамда халқлари учун Наврўз ўзига хос байрамдир.

Бундан ташқари ташкилотчилари — Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркманистон консуллик муассасалари томонидан ташкил қилинган ҳамда бир неча юзлаб меҳмонлар иштирок этаётган шодиёнанинг юқори савияси ва маданий гўзаллигиде кўришимиз мумкин. Ундан барча меҳмонлар ўзига хос маънавий озуқа олмақдалар, уларнинг

Альбина НАТСАРЕНУС-ФЕТТЕР, Франкфурт-Майн шаҳри маҳаллий кенгаши депутати:

— Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари билан биргаликда Франкфурт-Майнда тадбир уюштириб, турли даражадаги меҳмонларни қабул қилиш биз учун катта шарафдир.

Шаҳарда турли миллатлар вакиллари қаторида Марказий Осиёдан келган фуқаролар ҳам тинч-тотув яшамоқда. Шу боисдан ҳам шаҳримизда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркманистон вакиллари иштирокида баҳор байрами — Наврўзни биргаликда нишонламоқдамиз.

Франкфуртликлар ажойиб мусиқа ҳамда ўзбекча рақсларга гувоҳ бўлишмоқда, авваллари ҳеч қачон татиб кўрмаган сомса ёки паловлардан кейин имкониятига эга бўлишмоқда. Албатта, бунинг учун Марказий Осиё давлатлари консуллик ваколатхоналарига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Мамнунликларини кўзларидан кўриш мумкин. Менинг бевосита вазибаларим сирасига Франкфурт-Майн шаҳрида яшаётган 180 дан ортиқ миллатлар ҳамда элатлар орасида тотувлик ва ўзаро ҳамжихатликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш қиради. Албатта, эришаётган ютуқларимиздан фахрланаман ва айтишим керак, бугунги каби тадбирлар ҳамшарқларимиз бир-бирларини ўзаро тушунишга кўмаклашади.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб барча ўзбекистонликларни Наврўз шодиёналари билан табриклайман! Шарқона Янги йил муборак бўлсин, соғлиқ ва бахт тилайман. Умид қиламанки, кейинги йил ҳам, албатта, бугунги каби тадбирни бирга нишонлаймиз.

«Дунё» АА, Франкфурт-Майн

БЕМИННАТ ҲИММАТ

Қашқадарёлик тадбиркор Бекзод Назаров хайрли ташаббусга қўл урди.

Эзгулик

Гап шундаки, ёш ишбилармон вилотнинг олис ҳудудларида “Болагизга китоб совға қилинг!” ҳамда “Ҳар маошдан — бир китоб” шиори остида ташкил этилаётган кўчма савдо ярмаркалари доирасида кам таъминланган оила фарзандлари, шунингдек, мактаб кутубхоналари учун ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётларни бепул тарқатмоқда.

Айтиш жоизки, шу пайтга қадар тадбиркор томонидан қарий икки мингга яқин китоблар хайрия сифатида улашилди.

Муҳаммадjon АХМADжONов.

2019 йил — Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Тадбиркор ташаббуси қанчалик ўзини оқлади?

Юртимизда кичик бизнесни кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишлари учун имкониятлар яратиб берилгагани беҳиз эмас.

Бинобарин, қулай инвестициявий бизнес муҳити тадбиркорлик ривожининг асосини ташкил этади. Президентимиз ташаббуси билан жорий йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланган эса уларга янада ташаббус кўрсатиб ишлаш, шу жумладан, инвестиция бўйича лойиҳаларини амалга оширишда айна муда-до бўлмоқда. Пойтахтимиздаги “Altus Companies” масъулияти чекланган жамияти фаолияти фикримиз тасдиғидир.

Авалло, шунини айтиш жоизки, мазкур ишлаб чиқариш субъекти асосчиларининг гоёси ўзига ҳослиги билан алоҳида ажралиб туради. Биламиз, бугунги кунда юртимизда бунёдкорлик кенг қулоч ёйиб, жойларда кўллаб уй-жойлар барпо этиляпти. Бу қурилиш материаллари бўлган талаб ортыпти, деганидир. Айна шу сабаб бу ерда ме-белсозликда кўлланиладиган ламинатланган ДСП ҳамда МФД, безак

қоғозлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилишига замин яратди. Қолаверса, мазкур лойиҳага қўл урилишининг бошқа омилли ҳам мавжуд.

Гап шундаки, шу пайтгача бундай махсулотларнинг аксарияти қисми хориждан келтирилади. Масалан, республикамизга 2016 йилда 59,8 миллион квадрат метр ламинатланган ДСП импорт қилинган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 73,9 миллион квадрат метрга ортган. Тадбиркор ташаббуси қанчалик тўри бўлгани ва зарур эканини ҳам шундан кўриш мумкин.

Жамият йилига 2,85 миллион квадрат метр ламинатланган ДСП, 0,54 миллион квадрат ламинатланган МФД ҳамда 2,23 миллион ква-

драт метр локланган МФД ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин айни пайтда унинг қувватлардан фой-



даланиш имконияти 56 фоизни ташкил этмоқда, холос. Нега? Чунки хом ашё етарли эмас.

— Шу боис корхонамиз фаолиятини ривожлантириш учун янги лойиҳани амалга оширишга киришдик, — дейди жамият раҳбари Акмалбек Ашуров. — Бунда тижорат банки томонидан хориж кредит линияси асосида ажратилаётган сармоядан

фойдаланяпмиз. Аниқроғи, лойиҳанин умуий қиймати 4,013 миллион еврога яқин бўлишига эга, шундан 2,007 миллион еврога банк кредити, қолгани ўз маблағимиз ҳисоби-га молиялаштирилмоқда. Банк кредити, асосан, хом ашё сотиб олишга йўналтирилади. Шу мақсадда Россиянинг “ТЛД Экспо” компанияси билан шартнома имзолаганмиз.

“Altus Companies” цехлари Германиянинг илгор компаниялари ускуналари билан жиҳозланган. Шу боис махсулотлар сифати яхши, хидорларни кўп. Хозирги кунда бу ерда 120 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, лойиҳа рўёбга чиқарилган, улар сафи 18 нафарга ортди. Ишлаб чиқариш қуввати эса 81 фоизга етказилади.

Корхона муваффақияти тайёрланаётган махсулот сифатига боғлиқ, Жамоянинг айна шу мақсаддаги сый-ҳаракати билан ички ва ташқи бозордаги ўрнини янада мустаҳкамлаб олишга хизмат қилади, албатта.

Дилшод УЛУҒҲУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон ҳамда Қозғистон велосипед спорти федерациялари ташаббуси билан Чимкент — Тошкент веломарафони ўтказилди. Мазкур мусобақа икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, туризмни ривожлантириш, велоспортни оммалаштириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида уюштирилди.

Унда 150 нафар қозғистонлик ва 100 нафарга яқин ўзбекистонлик велосипедчилар Қозғистоннинг Чимкент шаҳри ҳокимлигидан Тошкент шаҳридаги Қозғистон элчионасига қадар бўлган 130 километрик масофани босиб ўтишди. Иштирокчиларга қулайлик яратиш мақсадида уларга “яшил йўлак” ташкил этилди.



Чимкент — Тошкент халқаро веломарафони

дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади



Веломарафонда маррага биринчи бўлиб қозғистонлик Алексей Сидоренко етиб келди.

Иккинчи ўрин англиялик Бетю Райтга, шоҳсулпаннинг учинчи погонаси эса юртдошимиз Шоҳрух Юнусовга насиб этди.

Марафонда қатнашганларнинг кўпчилиги Ўзбекистон ва қозғистонлик велоспорт иштирокчилари бўлиб, энг ёши улуг аёл иштирокчи сифатида 50 ёшли Светлана Исаева ва энг ёши

катта эркак иштирокчи сифатида 61 ёшли Хурсанд Шеров ҳам эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Мусобақанинги финиш чизиғида қатнашчилар учун маданий дас-тур ташкил қилиниб, ўзбек эстрада юлдузлари иштирокида концерт намойиш этилди.

Ғолиб ҳамда совриндорларни тантанали тақдирлаш маросимида Қозғистоннинг Ўзбекистондаги Факултолда ва мухтор элчиси Дархан Сатибалди, жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари Ойбек Қосимов, Тошкент шаҳри ҳокими ўринбосари Дилбар Нажмутдинова сўзга чиқди.

Саломатлик

Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлом турмуш тарзи тарғиботи борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жорий йил 9 мартда Юриш кунини, 16 мартда Юриш бўйича марафон кунини ҳамда 23 март санасида мамлакатимизда “Саломатлик сари қадам” кунини ўтказилди. Ушбу оммавий тадбирлар аҳолида соғлом турмуш тарзига нисбатан қизиқишини кучайтириб, фуқароларимизда жисмоний фаолликка интилишини оширмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, аввал хабар қилганимиздек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида жорий йилнинг 30 март кунини юртимизда “Велосипедда сайр кунини” ўтказилди.

Маълумки, инсон организмиде катта заҳиралар мавжуд. Аммо уларнинг мукамал



ишлаши учун соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва мунтазам жисмоний фаоллик жуда муҳимдир. Велосипедда сайр қилиш ҳам жисмоний фаолликнинг яна бир қулай ҳамда завқли тури ҳисобланади. Шунинг учун ҳам велосипедда сайр қилиш дунё аҳолиси орасида кенг тарқалган. Велосипед сайрининг инсон организмиде фойдали томонлари кўп. Аввало, тана



ВЕЛОСАЙР ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

метаболик жараёнлар яхшиланади. Мутахассисларнинг маълумотига қўра, тизимли ҳаракатлар ёлларнинг эришига, ортиқча суюқликдан қутулиб, ортиқча ваздан халос бўлишга ёрдам беради. Шунингдек, соғлом озиш жараёнида ҳам велосайрнинг аҳамияти беқеъс. Эътиборли жиҳати, велосайр бахт гормонлари микдорини оширишининг ҳам қулай йўлидир. Бундан ташқари, велосайр уйқунини яхшилайди, мия ишини фаоллаштириб, фикрлаш қобилиятини кучайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилинганча, Қорақалпоғистон Республикаси, вилотлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган оммавий велосипед сайрида вазирлик марказий аппарати, ихтисослаштирилган марказлар ва клиникалар шифокорлари, тиббиёт олий ўқув юрталари ҳамда коллеж ўқувчи ва талабалари, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, стационар ҳамда амбулатор-поликлиника муассасалари ходимлари фаол иштирок этишди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ («Халқ сўзи»).

Маълум олган суратлар.

Жиноятларни фош этишга доир фаолият юзасидан ахборот

Жорий йилдан бошлаб мамлакатимизда жиноятчиликни камайтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат туйғусини кучайтириш мақсадида Бош прокуратура томонидан Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда қатор комплекс чоралар ҳаётга татбиқ этилмоқда.



Хусусан, жойларда амалий ёрдам кўрсатиш учун Бош прокуратура ва ИИБ ходимлари таркибидан доимий фаолият юридадиган ишчи гуруҳлар ташкил этилди; жиноятларни тезкор фош этиш бўйича ҳудудларда тажрибали ходимлар (экспертлар, криминалистлар, терговчилар)дан иборат ишчи гуруҳлар тузилди; жорий йилнинг 1 мартидан эътиборан электрон жиноий-ҳуқуқий статистикага оид ягона ахборот тизими ишга туширилди; онлайн режимда назорат қилиб бориш имконини берувчи фош этилмаган жиноятларнинг ягона электрон базаси яратилди; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи органлар ҳамкорлигини таъминловчи дастурий илова яратилди ҳамда Навоий вилоятида синов тарихида ишга туширилди; қидирувдаги шахслар тергов ва суд органларига ихтиёрий келган тақдирда, эҳтиёт чораси ўзгартирилиши ҳақида қидирилаётган шахсларнинг қариндошлари билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Қўрилган тезкор чоратадбирлар натижасида жорий йилнинг икки ойида бу борада ўтган йилдагига нисбатан салмоқли натижаларга эришилган. Масалан, 2019 йилнинг дастлабки икки ойида содир этилган жиноятлар сони 4 246 тагача камайган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилнинг шу даври-

дагига (5 811 та) нисбатан 27 фоиз пасайган. Пировардида айтиш мумкин бўлган ҳар 100 минг аҳолига ўртача 13,3 та жиноят тўғрисида келмоқда (бу кўрсаткич Тожикистонда 40 тани, Озарбайжонда 44 тани, Молдовада 150 тани, Россия Федерациясида 225 тани, Қозоғистонда эса 240 тани ташкил этади). Жиноятчилик даражаси ҳам ўтган йилдаги 18,1 фоиздан жорий йилда 26,5 фоиз камайишига эришилган. Шунингдек, олиб борилган тезкор-қидирув ишлари натижасида жиноят содир этганлиги учун қидирилаётган шахсларнинг 277 нафари ушланди, 346 та жиноят иши судларга юборилди. Фош қилинмаган жиноятлар сони эса (87 та) ўтган йилдаги билан (144 та) солиштирилганда, 40 фоиз камайди. Содир этилган барча қотиллик, босқинчилик, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш жиноятлари тўлақонли фош қилинди. Бундан ташқари, жиноят содир этган 93 нафар шахсларнинг хорижий давлатлардан экстрадицияси таъминланди. Жиноятчиликка қарши кураш жараёнида тубдан янги тизимлар ва ёндашувларни қўллаш бу соҳада йиллар давомида туپланиб қолган қатор муаммо ҳамда бўшлиқларни яққол аниқлаш имконини яратмоқда. Бу борада ҳали кўп ишлашимиз талаб қилинади.

Лекин, таъкидлаш жоизки, гарчи ҳали кўп фурсат ўтмаган бўлса-да, янги форматда тизимли иш бошланганлиги, мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятларни фош этишга манзилли ёндашиш ўз натижаларини бермоқда.

Сурайё РАҲМОНОВА,
Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари.

Qishloq Qurilish Bank Голландча пишлоқлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда

Супермаркетнинг сут маҳсулотлари растасидаги бежирим кўзача эътиборимизни тортди. Олиб кўрсак, саноат усулида қадоқланган қатиқ! “Қайси тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилаётган экан-а, бу маҳсулот?”

Саволга жавоб топишга қийналмадик. Унинг ёрлиғида батафсил ёзилибди. Бу Тошкент шаҳридаги “Bio Natural Food” масъулияти чекланган жамияти жамоасининг изланишлари маҳсули экан.

Молия муассасаларида

— Сутни қайта ишлаш мураккаб, айтиш пайтда нозик технологик жараён ҳисобланади, — дейди мазкур корхона маркетинг бошқармани Санжар Эшматов. — Шу боис саноатнинг бу тармоғини йўлга қўйиш тадбиркордан муайян тайёргарликни талаб этади. Юртимизда эса кейинги пайтда бизнес юритиш учун яратиб берилган шарт-шароитлар, айниқса, тижорат банклари молиявий кўмаги туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Масалан, бизнинг корхонамиз оёққа туриб олишида “Қишлоқ қурилиш банк”нинг имтиёзли кредитлари кўл келди. Бугунги кунга қадар

Дарҳақиқат, корхона энди иш бошлаган пайтда бу ерда беш киши меҳнат қилар, атғи икки хилдаги маҳсулот тайёрланар эди. Бугун-чи, дерсиз. Айтиш пайтда жамият цехларида 43 киши доимий иш билан таъминланган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 50 хилдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Қатиқ, творог, бринза, йогурт, курт, пишлоқ шулар жумласидандир.

Пишлоқ — жамиятнинг энг хариддориги маҳсулотларидан бири. Чунки буюртмачилар талабидан келиб чиқиб, унинг бир неча туридан, қулай микдорда қадоқланган ҳолда, етказиб беришнинг имконияти мавжуд. Ҳатто, тез

Қирғизистон, Тожикистон каби қўшни давлатлар қизиқиш билдираётган экан. Айтиш пайтда томонлар ўртасида музокаралар олиб бориляптики, бу яқин орада “Bio Natural Food” ёрлиғи остидаги пишлоқ маҳсулотлари экспорт қилинишидан нишонандир.

Корхона маслаҳатчиси Султонмурод Тўхтаевнинг айтишича, ўтган йили банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали томонидан ажратилган

ниб, ички бозорга юқори сифатли маҳсулотлар етказиб берилмаётган.

— Бу ҳали чегара эмас, — дейди “Bio Natural Food” раҳбари Оқмирза Нафасов. — Жорий йилнинг иккинчи чорагида қайта ишлаш ҳажми кўнрага 40 — 50 тоннага, келгусида эса 80 тоннага етказишни мўлжаллаб турибмиз. Бунинг учун тех-



банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиалидан тўққиз марта кредит олиб, мақсадли фойдаланганимиз бунга мисол.

тайёр бўладиган таомлар, ресторан ва ошхоналар учун мўлжалланганлари ҳам бор. Юқори сифатли бундай маҳсулотларга Россия, Қозоғистон,



1 миллион 297,6 минг АҚШ долларилик кредит жамият фаолиятида янги даврни бошлаб берди. Негаки, етти йил мuddатга, икки йиллик имтиёзли давр билан 6,3 фоиз устама тўлаш шарти асосида берилган ушбу маблағ ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилди.

Бунинг ҳисобига Туркиядан сўнгги русумдаги пишлоқ ишлаб чиқариш, Германиядан эса маҳсулотни қадоқлаш технологияли линиялари олиб келиб ўрнатилди. Натижада нафақат голландча, балки Туркия технологияси асосида моцарелла пишлоқлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар хориждан келтирилган бундай маҳсулотларга қараганда 30 — 40 фоиз арзонлиги туфайли талаб ортмоқда. Шунинг учун ҳозирги пайтда кунига 16 тонна сут қайта ишла-

ниқ имкониятимиз етарли. Мақсадимиз юртдошларимиз дастуручили инсон саломатлиги учун ўта фойдали бўлган арзон ва табиий сут маҳсулотларини етказиб беришдир.

Корхона фаолиятидаги энг устувор жиҳат — юқори сифатга эришиш. Шунинг учун нафақат қабул қилинаётган сут таркиби ва сифати чуқур ўрганилади, балки ҳозирги кунда ҳамкорлик қилинаётган 10 дан ортиқ чорвачилик фермер хўжалиқларидаги соғин сигирларнинг соғлиғи, ҳатто, озуқа таркиби ҳам назорат қилиб турилади. Ахир, сифатли маҳсулот сифатли хом ашёдан тайёрланади-да!

Чиндан ҳам, сут ўта нозик саноат хом ашёси бўлиб, хид ва рангини тез олади, озгина эътиборсизлик оқибатида таркиби ўзгариб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун фермер хўжалиқлари сут совитиш ускуналари билан таъминланган. Ўз навбатида, қабул қилинган сут микроб ва бактериялардан тозаланиб, қайнатилади. Бу эса яроқлилик мuddати нисбатан узоқ бўлган маҳсулотлар тайёрлашда кўл келяпти.

“Қишлоқ қурилиш банк” томонидан халқроқ молия институтлари ҳисобидан ажратилаётган маблағлар озиқ-овқат саноатининг нисбатан мураккаб бўлган сутни қайта ишлаш йўналишини ривожлантириш, тармоқда янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришда тадбиркорларга катта рағбат бўлмоқда. Шу боис жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, яна кўплаб бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Дарвоқе, кўзачали қатиқ “Bio Natural Food” корхонаси маслаҳатчисининг тавсияси билан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган экан. Технологининг сўзларига қараганда, сопол идишларда ивтилган қатиқ ўта мазали бўлиб, таркибида сариқ сув деярли қолмайди.

Бугунги кунги рақобат шароитида бозорда эгалаган ўрнини янада мустақамлашга аҳд қилган тадбиркор келгусида ана шундай аънаванавий ва замонавий усулларни ўйғунлаштирган ҳолда, янги маҳсулотлар тайёрлаш ниятида изланмоқда. Уларнинг ижросида эса “Қишлоқ қурилиш банк” энг яқин молиявий кўмакчи бўлавериши, шубҳасиз.

«Қишлоқ қурилиш банк» ахборот хизмати билан ҳамкорликда С. ИБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Хорижда таълим олишни хоҳловчилар учун яна бир имконият яратилди

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан хорижий давлатларнинг етакчи олий ҳамда илмий-таълим муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ, магистратура ҳамда докторантурада ўқишга юборилиши режалаштирилаётган номзодларга инглиз тилини ўргатиш ўқув курслари ташкил

Таълим

Хусусан, айтиш пайтда Ўзбекистон давлат тиллари университетига ташкил этилган семинар-тренингда 130 нафар тренер махсус тайёргарликдан ўтмоқда. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб улар 22 та ОТМда хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини олиб боришади.

Чет тилини ўргатиш курслари 3 ой давом этади: бир ой мобайнида ОТМларда тренерлар томонидан машғулотлар олиб борилади, икки ой мобайнида тингловчилар english.edu.uz манзилидаги платформада дастур доирасида белгиланган топшириқларни онлайн режимда мустақил ўзлаштириб боришади.



Ўқув курсларида “British Council” (Британия Кенгаши), “Alliance Francaise” (Француз альянси), “Goeethe Insti” (Гёте институти) каби халқаро ташкилотларнинг малакали тренерлари ҳам қатнашади.

Мазкур курсларга жами 1200 нафардан ортиқ тингловчилар қамраб олинади ва уларни муваффақиятли ўзлаштирган педагог кадрларга 2020 йилда “Эл-юрт умиди” жамғарма стипендиати бўлиш учун ўтказиладиган танловда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилади.

Д. СОДИҚОВ.

Одамтошда тош одам бўлганлиги ростми?

Деҳқонobodнинг баланд қирларида одам ва бошқа мавжудотлар шаклини эслатадиган қоятошларни кўплаб учратиш мумкин. Қизиғи шундаки, Одамтош деб юритиладиган худудда одам шаклидаги қояларга кўп дуч келасиз. Шундай бир қоятошни йўл ёқасидаёқ суратга олдик. Ҳўш, бунинг қандай сирини бор, айнан шу худуд нега Одамтош деб номланган?

Бу — қизиқ

Турон фанлар академияси фахрий академиги, деҳқонobodлик олим Карим Тошқулнинг таъкидлашича, Одамтош қоялари жойлашган Қорасоч қишлоғида йўл ёқасида аёл кишининг қабри бўлиб, маҳаллий аҳоли бу қабрни авлиёлар қабри каби эъзозлашар экан. Халқ орасида бу аёл билан боғлиқ афсона юради.

Ривоят қилишларича, қачонлардир бу ерда Деҳқонбой деган чўпон ўтган. У сурувни ҳайдаётиб дарёдаги сувда чўмилиётган қорасоч аёлни қўшни тоғдан кўриб қолган. Бунинг сизган аёл чўпонни дуоиб қилиб, бунинг сизга айланганини сўраб, Аллоҳга илтижо қилган экан. Шу пайтда чўпон чўққига чиқиб қотиб қолган эмиш. Алқисса, бу ерлар ўша тошга айланиб қолган чўпон номи билан

нинг “Деҳқонobod тарихи ва тараққиёти” китобида. Қурилиш жараёнида унинг пастга аганатиб юборилгани ҳақида маҳаллий аҳоли кўп гапиради.

Бу ердаги қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бибиқорасоч деб аталиши



Одамтош деб юритилар экан.

Денгиз сатҳидан 1400 — 1500 метр баландликда жойлашган Одамтош тоғининг устида ҳозир телеэфирларни узатадиган телемарказ жойлашган бўлиб, ушбу марказ ҳам шу ном билан аталади. “1960 йилларда ушбу телемарказ қурилиши пайтида, ҳақиқатан ҳам, шу баландлик чўққисидо одам шаклидаги катта тош бўлган”, — дейилади олим-

ҳам бежиз эмас экан. Айримлар Қорасочни Ясавий бобонинг оналари деса, бошқалар Ҳўжаипок, Ҳўжабарлос (Ҳўжапуллас), Ҳўжамаҳмуд каби авлиёлар билан боғлашади.

Нима бўлганда ҳам, Одамтош тоғлари сир-синоатларга тўла. Бинобарин, ҳар бир ривоят асосида тарихий ҳақиқат ётади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 68 943 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6